



# Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta



<http://farhaqiqat.uz/>



[t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

**“Яшил макон” умуммиллий акцияси:**

## ФАРҒОНА ЯШИЛЛИККА БУРКАНМОҚДА



**А**кция доирасида Ўзбекистон туманида “Вилоят, шаҳар ва туманлар сектор раҳбарларининг боғи” ташкил этилиб, кўчат экиш тадбири бўлиб ўтди. Шунингдек, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси ташаббуси билан Фарғона туманидаги “Миндонобод” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги бўш ётган майдонда “Ёшлар боғи” ташкил этилди.

Боғнинг дастлабки 2 гектарига 1000 тупдан зиёд қайрағоч, катальпа, ясен, клён, чинор, акация, каштан ва эман каби манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Келгусида боғ ҳудуди 10 гектаргача кенгайтирилади. Тадбирда вилоят ҳоқими Хайрулло Бозоров ва сектор раҳбарлари, ташкилот ҳамда корхоналар бошлиқлари иштирок этишиб, 1000

нафарга яқин ёшлар билан бирга кўчат экдилар.

Шунингдек, Риштон туманида “Яшил макон яратишда бирлашайлик!” шиори остида “Спортчилар боғи” ташкил этилиб, 700 тупга яқин турли дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Умуммиллий акцияда вилоятимиздаги диний соҳа вакиллари ҳам фаоллик кўрсатишмоқда. Фарғона-

лик имом-хатиблар томонидан масжидлар, қабристон ва зиёратгоҳлар ободонлаштирилиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Таъкидлаш керакки, вилоятимизда “Яшил макон” умуммиллий акциясининг бу йилги кузги мавсумида жами 40 турдаги 6,5 миллион туп мевали, манзарали дарахт ва бута кўчатларини экиш кўзда тутилган.

**Ўзбекистон спорти тарихида**

**ЯНГИ САҲИФА:**

## “ПАРИЖ-24” ОЛИМПИАДАСИ



Шу кунларда ҳаётимдаги энг унутилмас воқеа юз берди. Таиланд давлатининг Бангкок шаҳрида спортнинг камондан отиш тури бўйича “Париж-2024” ёзги Олимпиадасига йўлланма берувчи Осиё чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида иштирок этиб, яққалик баҳсида финалгача етиб бордим. Бу натижа менинг ёшликдаги орзуимни рўёбга чиқарди.

### ЙўЛЛАНМАСИНИ ҚўЛГА КИРИТДИМ

**С**порт билан 13 ёшимдан буён шуғулланаман. Дадам спорт мактабига етаклаб борган йиллардаёқ, ўз олдимга халқаро турнирларда Ўзбекистон байроғини юқорига кўтаришга аҳд қилгандим. Шу мақсад сари астойдил интилдим, спорт кундалик машғулотимга айланди. Мураббийларим мени ҳам руҳан, ҳам жисмонан тарбияладилар. Маҳоратим ошиб боришида, айниқса, тажрибали устоз Ирина Савинованинг ҳиссаси катта бўлди.

Ютуқнинг кичиги бўлмайти. Дастлаб вилоят, мамлакат турнирларида, Ўзбекистон чемпионатида бир неча бор фахрли ўринларни қўлга киритган бўлсам, бу ғалабалар мени янада руҳлантирди, ички туйғу халқа-

ро миқёсда ҳам муваффақиятга эришишимга ишонч уйғотди.

**“ Президентимиз томонидан ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига қаратилган эътибор тенгдошларим қатори мен учун кенг имкониятлар эшигини очди.**

Фарғона давлат университетида таҳсил олганим, соҳадаги билим ва маҳоратимни янада оширди. 2019 йилда камондан отиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасига қабул қилиндим. Мамлакатимизнинг моҳир мерганлари сафида Осиё ку-

боғи, Ислон бирдамлик ўйини, халқаро биринчиликларда якка ва жамоавий баҳсларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдим.

Таиландда ўтган Осиё чемпионати регламентига кўра, финалчилар Париж Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритиши боис, мураббийим билан мусобақага жиддий тайёргарлик кўрдик. Қитъанинг энг моҳир 76 мерганлари билан баҳс олиб бордим. Ҳаяжон бор эди, аммо уни совуққонлик билан енгдим. Ўзбекистон спорти тарихида илк бор камондан отиш бўйича Олимпиада ўйинларида қатнашиш натижасига эга бўлганимда, ҳис-ҳаяжонларим қувонч кўз ёшларига айланди.

**Зиёдахон АБДУСАТТОВА,**  
камондан отиш бўйича  
Ўзбекистон миллий терма  
жамоаси аъзоси.

**Ўзбекистон, аввало, инсон қадри улуғладиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун барча имкониятлар яратилган мамлакатга айланмоқда. Глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим ва ажралмас бўғини, кучли иқтисодий эга бўлган давлат сифатида эътироф этилмоқда. Узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислохотлар эркин ва фаровон, қудратли давлатни қуришга, кўпмиллатли халқимизнинг орзу-ниятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда.**

Жорий йил 27 июль куни Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалиги ва саноатдаги йирик лойиҳалар, янги ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда маҳаллалар ҳаёти билан танишиш мақсадида Фарғона вилоятига ташриф буюрган эди. Давлатимиз раҳбари фаоллар билан учрашувда ҳар бир ҳудуднинг "ўсиш нуқталари"ни ривожлантириб, одамларга иш ўрни ва даромад манбаи яратиш – давлатимиз сиёсатининг устувор мақсади эканлигини таъкидлади. Шунингдек, Юртбошимиз Ўзбекистон ва Тожикистон Республикасининг азалий ишончли қўшничилик ришталари, давлатлараро муносабатлар, айниқса, икки мамлакат халқларининг яхши қўшничилик алоқаларига тўхталиб, бундай манфаатли ўзаро ҳамкорликнинг

ёрдамчиси Ўқтамжон Эргашев билан сўхбатлашдик.

– Ҳудудимизда вилоятни Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти, Ашт тумани билан Сирдарё орқали боғловчи, қурилиши тугалланмаган кўприк бор. Уни бунёд этиш 1986 йилда бошланган бўлиб, турли сабаблар билан яқунланмай

ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади, – дейди у.

**“ БЕШАРИҚ ТУМАНИНИНГ “НАВКАТ” МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ АҲОЛИНИНГ СЎЗЛАРИГА ҚАРАГАНДА, ҲУДУДЛАРИДА ЖОЙЛАШГАН КЎПРИК ТУМАН МАРКАЗИДАН 12 КИЛОМЕТР УЗОҚЛИҚДА. АҲОЛИ УНГА “ЧИЛМАҲРАМ” ДЕБ НОМ БЕРГАН. БУНГА САБАБ, ШУ ДЕПАРАДА “ЧИЛМАҲРАМ БУВА” ЗИЁРАТГОҲИ БОР.**

билан дийдорлашмай улғайишяпти, – дейди опа.

Муроджон Шерматовнинг турмуш ўртоғи Норинса опа ҳам Ашт туманилик. Унинг айтишича, туманга “Андархон” чегара пости орқали борилса, бир-бир ярим кун йўл юришга тўғри келади, “Чилмаҳрам” кўприги орқали бунча масофани бир соатда босиб ўтиш мумкин бўлади.

Саъдулла ота Тўхтакулов 84 ёшда. Узоқ йиллар маҳалла раиси бўлиб ишлаган. 8 фарзанд, 30 невага, 26 чеваранинг бобоси. Икки қизини Тожикистонга узатган.

– Кўприк қурилиши яқунланса, айна муддао бўларди. Қизларим, набираларимни тез-тез кўриб турардим. Тўғри, телефонда кунда-кунора гаплашиб тураман, лекин дийдорга

**“Чилмаҳрам” кўприги:**

## **ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК ВА ҚАРДОШЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ**



келгусидаги истиқболлари ҳақида гапириб ўтган эди. Бунинг учун чегара ҳудуд – Бешариқ туманидаги мавжуд имкониятларни ишга солиш йўллари кўрсатиб берганди.

Маълумотларга қараганда, Фарғона вилоятини Тожикистоннинг Сўғд вилояти билан боғловчи кўприкни бунёд этиш якунига етказилса (қурилиш ишлари 70 фоиз бажарилган), йўл масофаси беш баробарга қисқаради. Натижада Бешариқ Тожикистоннинг 500 минг аҳолиси учун транзит ҳудудга айланади. Бу туманда камида 40 миллион АҚШ долларлик сервис, савдо, сайёҳлик ва тиббиёт туризми объектларини барпо қилиш учун катта имконият яратилади. Бунинг доирасида тумандан ўтувчи магистраль автомобиль йўли бўйида савдо ва сервис объектларини ташкил қилиб, камида 500 нафар аҳолини даромадли қилиш бўйича 8 миллион АҚШ долларлик 60 та лойиҳа ташаббускорлари аниқланган.

Энг муҳими, икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик ривожланади, ҳудуд аҳолиси фаровонлиги таъминланади.

Кўприк қурилишини ниҳоясига етказиш қачонга режалаштирилган? Бу йўналишда қатновнинг йўлга қўйилишидан аҳоли қанчалар манфаатдор? Бу саволларимизга жавоб топиш учун Бешариқ тумани ҳокимининг чегара масалалари бўйича

қолган. Узунлиги 231 метр бўлган кўприкнинг Тожикистон Республикаси томонидан 131 метр қисмига темир-бетон балкалар, Ўзбекистон томонидан эса мустаҳкам таянчлар ўрнатилган. 1990 йилларгача кўприк ўрнида понтон (одамлар ва транспорт ўтиши учун мўлжалланган сузувчи кўприк)дан фойдаланилган. Унинг техник ҳолати ёмонлашгандан сўнг, демонтаж қилинган.

Аҳамиятли томони шундаки, муҳим объектни фойдаланишга топшириш орқали қўшни мамлакат туманлари билан тўғридан-тўғри боғланишга эришилади. Хусусан, Исфара шаҳридан Ашт туманига бормоқчи бўлган фуқаролар Конибодом ва Хўжанд орқали 200 километр тоғли йўлдан ўтади. Бешариқ тумани орқали эса бу масофа беш баробарга қисқаради, 40 километрли равон ва хавфсиз йўлдан қатнаш имконияти яратилади. Конибодом ва Хўжанд шаҳарлари аҳолиси учун ҳам масофа уч баробарга қисқаради. Ашт туманида 200 минг, Исфара шаҳрида 280 минг, Конибодомда 210 мингдан ортиқ аҳоли яшашини ҳисобга олсак, ушбу лойиҳа Бешариқ туманида хизмат кўрсатиш, савдо, сайёҳлик, шунингдек, тиббиёт туризмнинг жадал

– Кўприк номи зиёратгоҳга ҳамоҳанг равишда танланган. Унинг қурилиши навкатликлар учун жуда муҳим. Маҳалламизда 4 минг 436 нафар фуқаролар истиқомат қилишини инобатга олсак, 200 га яқин оиланинг Тожикистон билан узоқ йиллик тарихга эга қўшничилик ва қариндошлик ришталари яна яқинроқ боғланади. Қўшни давлатдан келин олиб, қиз узат-

нима етсин. Муҳим жиҳатларидан бири, навкатликларнинг елкасига шамол тегади. Яъники, дарёнинг нариги томонида Булоқ, Шайдон, Норин, Понғиз, Ўрмонтоқ, Гулистон қишлоқлари бор. Йўл очилса, савдо-сотик алоқалари яхшиланади, одамларнинг даромади ортади, маҳалламиз янада обод бўлади.

Туман ҳокимлиги берган маълумотида кўра, ҳозирда



ган фуқаролар бор. Қариндошларимиз билан дийдорлашиш истагида кунлаб, баъзан ҳафталаб чегара постида қолиб кетган пайтларимиз бўлган. Ҳеч ёдимдан кўтарилмайди, Тожикистонда яшайдиган холамининг таъзиясига боришга ҳам рухсат ололмаганман, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Талъатжон Ортиқов.

Умидахон опа асли Тожикистон Республикасининг Ашт туманидан. “Навкат” маҳалласига келин бўлиб тушганига 20 йил бўлибди.

– Охирги марта қариндошларимни кўриш учун туғилган юртимга ўтган йили боргандим. Чегарадан ўтиш учун бир кун йўқотдим. Сарсон-саргардонлик туфайли ёш фарзандларимни ота-онам хонадонига олиб боролмайман. Ўзбекистонда умргузаронлик қилаётганимдан фахрланаман, бироқ болаларим яқинларимиз

Ташки ишлар вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қўшни Тожикистон Республикаси ҳукумати билан кўприк қурилиши юзасидан меморандум имзолаш бўйича ҳукуматлараро келишувни амалга ошириш режалаштирилмоқда. **Бу масалани жадаллаштириш ва кўприк қурилишини яқунлаш ҳар икки мамлакат аҳолиси учун жуда муҳимдир. Зеро, у савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришга, ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашга, аҳоли даромади кўпайиб, икки халқ орасидаги қариндош-уруғчилик ришталари мустаҳкамланишига замин яратади.**

**Дурдона ҒАФФОРОВА,**  
Ўзбекистон Журналистлар  
юшмаси аъзоси.

# ТИББИЙ ХИЗМАТ СИФАТИ ОШИРИЛМОҚДА

**Сўнгги йилларда «Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак» деган эзгу тамойил ҳаётимизнинг барча жабҳаларига тўла татбиқ этилиб, кўп соҳаларда, жумладан, тиббиёт тизимида бир қатор ижобий ўзгаришлар кузатилди.**



**Ҳамидулло ТУРДИЕВ,  
Фарғона шаҳар тиббиёт  
бирлашмаси бошлиғи**

Йил сайин соғлиқни сақлаш соҳасини тубдан такомиллаштириш, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, соғлом авлод тарбияси учун зарур шарт-шароитлар яратиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, бу йўлда мисли кўрилмаган ишлар қилинмоқда.

Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва унинг тасарруфидаги муассасалар томонидан 318424 нафар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда. Бирлашма тизимида 4 та шифохона, 8 та оилавий, 1 та марказий кўп тармоқли поликлиника ҳамда санитария-эпидемиологик осойишталик маркази фаолият юритмоқда.

Маълумки, тиббиёт ривожига малакали кадрларсиз эришиш мушкул. Шу боис, тиббиёт бирлашмаси томонидан, биринчи навбатда, шифокорларнинг касб маҳоратини ошириш, жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш, мавқеини мустаҳкамлаш, муносиб меҳнат шароити яратиш, иш ҳақи ва мавжуд штатлар сонини кўпайтириш, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, шаҳримиз аҳолига кўрсатилаётган бирламчи тиббий санитария ёрдамини янада яхшилаш мақсадида оилавий поликлиникаларда 157 та тиббий бригадалар ташкил этилиб, уларда 135 нафар олий тоифали шифокорлар, 443 нафар патронаж ҳамширалари ва 57 нафар доялар меҳнат қилишмоқда. Марказий кўп тармоқли ва барча оилавий поликлиникаларда 10 ўридан кундузги стационарлар ташкил этилиб, бирламчи тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Ушбу йилдан бошлаб, оилавий поликлиникаларнинг ўзида 40 ва ундан юқори ёшдаги фуқароларда юрак-қон томир касаллиги хавфини аниқлаш бўйича тизимли равишда скрининг текширувлар ўтказилиши йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг ўзида 30 нафарга яқин шифокорларимиз АҚШ, Германия, Корея Республикаси, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Сингапур, Россия, Туркия сингари давлатларнинг нуфузли клиника ва университетларида малака ошириб қайтди.

Албатта, бу ижобий ўзгариш ва янгилашнилар тиббиёт тизимида малакали кадрлар сони ва сифатини яхшилаш, тиббиёт муассасаларини етук мутахассислар билан таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Соҳада аҳоли саломатлигини сақлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга. Шаҳримизда фаолият юритиб келатган Республика тез тиббий ёрдам маркази Фарғона филиалига сунъий қон айлантириш аппарати ва лапароскопик жамланмалар, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси учун фиброскан аппаратлари харид қилинди. Натижада 150 турдаги юқори технологик лапароскопик, тораоскопик, эндоваскуляр жарроҳлик ва даволаш амалиётларига йўл очилди.

Республика ихтисослашган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона филиалида кардиожарроҳлик ва интервенцион кардиология бўлимлари фаолият ташкил этилди. Энди юраги хаста беморларда шу ернинг ўзида жарроҳлик амалиёти ўтказиш имконияти туғилди.



Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси туғуруқ комплекси янгитдан бунёд этилиб, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Шу мажмуага 100 киловаттли, 1 ва 2-сонли оилавий поликлиникаларга 14 киловаттлидан, 3 ва 4-сонли оилавий поликлиникаларга 5 КВТлидан қуёш панеллари ўрнатилди. 25 та компьютер ва 30 та моноблок харид қилиниб, барча оилавий поликлиникалар рақамлаштирилган электрон тизимга ўтказилди ва аҳоли-



га тиббий хизмат кўрсатишда қулайлик яратилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида 74806 нафар фуқаролар скрининг текширувларидан ўтказилиб, 59345 нафарида турли касалликлар аниқланди. Улар амбулатор ва стационар шароитда соғломлаштирилди.

Замонавий ускуналар ёрдамида 2-10 ёшдаги 37632 нафар болалар гельминтоз касаллигининг олдини олиш бўйича скрининг текширувдан ўтказилди. Текширув на-



тижасида 1376 нафар болаларда касаллик аниқланиб, даволаш чоралари кўрилди. Шу йилнинг ёзида республикамизда «Д» назоратида турган ҳамда ногиронлиги бўлган болалар учун соғломлаштириш ойлиги ташкил қилинди. Ушбу ойликда Фарғона шаҳридан ногиронлиги бўлган 4870 нафар болалар тиббий кўрикка жалб этилди ҳамда амбулатор, шифохона ва санаторий шароитида соғломлаштирилгани кўплаб оилаларга қувонч олиб кирди.

Шаҳримиздаги тиббиёт муассасаларида "Д" назоратида турган, имтиёзга эга бўлмаган беморларнинг 35 нафаридан 11 нафарида республика ва вилоят ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларида юқори технологик операциялар амалга оширилди. Шунингдек, 530 нафар имтиёзга эга беморларнинг республика даражасидаги шифохоналарда даволанишлари учун ордер берилгани ютуқларимиздан яна биридир.

Авваллари тез тиббий ёрдам хизматида давлат томонидан ҳар бир чақириқ учун жуда кам маблағ ажратилар, зарур дори воситалари етишмас, бу эса ўз-ўзидан оғир аҳволдаги беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатишга салбий таъсир қиларди. Соҳага қаратилаётган юксак эътибор натижасида тизимдаги кўп муаммолар барҳам топди. Хусусан, шаҳарда янги Call марказ қурилиши учун маҳаллий бюджетдан 5,7 миллиард сўм маблағ ажратилди. Республика бюджети ҳисобидан замонавий тез ёрдам машиналари, моддий-техник жиҳозлар олиб берилди. Марказ бир вақтнинг ўзида 60 та чақирувни қабул қилиш имкониятига эга бўлди. У ерда қабул қилиш ва узатиш ягона тизими ишга туширилди. Бу – мурожаатларни зудлик билан қабул қилиш, белгиланган манзилга тез етиб бориш ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш жараёни сифатини оширди.

Сурункали касалликлар билан оғриган беморлар оилавий поликлиника шифокорлари томонидан мунтазам назоратга олиниши натижасида ўтган йилнинг олти ойига нисбатан бу йилги ярим йилликда чақирувлар сони 22 мингтага камайди.

Шаҳарда жойлашган «Meridian» тиббиёт клиникаси таркибида тиббиёт кластери ташкил этилгани соҳадаги ислохотларнинг самараси дейиш мумкин. Унга 10 та клиника ва битта тиббиёт университети қамраб олинган. Тасарруфида замонавий лаборатория, ташхис маркази, 120 ўринли шифохона бор. Яқинда радиология бўлими ҳам очилди. Лазерли хирургия бўлими фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бу мақсадлар учун 1,8 миллион АҚШ доллариллик замонавий тиббий жиҳоз, асбоб-ускуналар келтирилди.

Кластер таркибидаги Марказий Осиё тиббиёт университетида 600 нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Келгуси ўқув йилидан улар сафи 1500 нафарга етади. Бу ерда 110 та янги иш ўрни яратилди.

Юртимиз тиббиётидаги ижобий ўзгариш ва янгилашниларни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳаётида, турмуш тарзида чуқур ҳис этмоқда. Давлатимиз раҳбари бошчилигида тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотлар халқимизни бугундан рози қилиш, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

«Бир белбоғ – бир йўлни қуриш, инсониятнинг ягона тақдири ҳамжамиятини барпо этиш: Ўзбекистондан назар» танловига

## УМУМИЙ АНЪАНАЛАР ЎЗАРО ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРМОҚДА

Бугунги кунда халқаро муносабатлар давлатлар ўртасидаги алоқаларни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Маълумки, Ўзбекистон ва Хитой муносабати қадим тарихга эга. Ҳар икки халқ узоқ ўтмишга бориб тақаладиган бой тарихий меросга эга.

Буюк ипак йўли каби савдо йўллари азалдан минтақаларни бирлаштириб турган. Бу йўл тинчлик, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ҳамкорлик, очиклик рамзидир. Шундан буён Ўзбекистон ва Хитой дўстлик, маданий бойлик билан бўлишиб келяпти.

Бу икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабат 1992 йил, ХХР мустақиллигимизни тан олган пайтда ўрнатилган. Ушандан буён ҳамкорлик ривожланмоқда. Айни жараёнда турли келишувлар, хусусан, 2012 йил имзоланган Ўзбекистон ва Хитой стратегик ҳамкорлиги тўғрисидаги Битим муҳим ўрин эгаллайди.

Хитой Ўзбекистоннинг муҳим савдо шериги ҳисобланади. Ҳар икки мамлакат савдо ва инвестиция соҳасида жуда фаол. Лойиҳалар "Ипак йўли иқтисодий макони", "Бир макон – бир йўл" доирасида темир йўл, энергетика ва бошқа инфра-тузилма объектлари қурилишини назарда тутди. Хитой Ўзбекистоннинг асосий савдо шериги бўлиб қолмоқда – ўзаро савдо миқдори 8,3 миллиард АҚШ доллари тенг.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида 2023-2027 йилларга мўлжалланган стратегик шерикликни ривожлантириш дастури қабул қилинган. Мамлакатлараро 2000 йиллар олдин шаклланган ҳамкорлик йўллари товар, маданият ва билим алмашинувини таъминлаб келмоқда. Қадимда Сихань, Тан, Мин каби машҳур сулолалар Ўзбекистон ҳудуди билан изчил алоқа қилган.

Ўрта асрлар империялар бир-бири билан муносабат ўрнатганини тарих тасдиқлайди. Хитой Эрон ва Византияга олиб борувчи асосий савдо йўллари назорат қилган қудратли Эфталит давлати билан дипломатик алоқани фаол ривожлантирган. Мин сулоласи даврида Соҳибқирон Амир Темур Хитой билан яқин савдо-иқтисодий муносабатни сақлаб, ўз куч-қудратини кенгайтирган.

Турли хил маданий ва тарихий анъаналарга қарамай, бу икки халқнинг мавжуд ўхшаш ва умумий анъаналари шерикликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Масалан, Хитойда меҳмон кутиш "чали" – чой одоби, муҳим масалалар муҳокама

қилинадиган расмий учрашув "чахуэй" – чой йиғилиши деб аталган. V асрда Хитойда чой жуда оммалашиб, сепнинг асосий қисмига айланди. Куёвнинг келинга чой юбориш маросими "сяча", келин томонидан бу қимматбаҳо совға қабул қилиниши "шоуча" дейилган.

Ўзбек халқида чой ичиш ҳар бир киши ҳаётининг ажралмас қисмидир. Чой ичиш маросими ўзбек маданиятида муҳим роль ўйнайди, ҳар бир ўзбек меҳмонни чой билан илиқ кутиб олади. Хонадон эгаси меҳмонга узатишдан олдин, иссиқ чойни уч марта қайтаради ва кейин узатади. Бир қарашда ғалати туюладиган бу урф, биринчидан, чой янада мазали бўлишида муҳим аҳамиятга эга, иккинчидан, уй эгаси ва меҳмон орасидаги чуқур ҳурмат, соф муносабат рамзи ҳам ҳисобланади.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлигимизни алоҳида қайд этиш жоиз. Кейинги пайтда жуда кўп ўзбек ёшлари хитой тилини ўрганишга қизиқиш билдирмоқда ва хитойликлар ҳам ўзбек тилини ўрганмоқда. Бу билим ва маданий алоқа алмашинувиға хизмат қиляпти. Масалан, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Самарқанд давлат чет тиллари институти ҳузурида ташкил этилган Конфуций номи институт хитой

тили ва маданияти марказига айланди.

Айни дам Хитойда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш ҳам юқори. Марказий миллатлар, Пекин хорижий тиллар, Шанхай халқаро тадқиқот университетларида тилимиз муваффақиятли ўқитиляпти. Яна бир нуфузли таълим муассасасида эса ўзбек тили кафедраси фаолият юритмоқда. Айни қизиқиш юртимизда таҳсил олаётган хитойлик талабалар сони ортишида ҳам намоён бўлмоқда.

Биз савдо ва инвестиция, инновация ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда ҳамкорликни ривожлантирмоқчимиз. Бинобарин, ушбу жараёнда минтақавий рақобат, суверенитетни сақлаб қолиш, инфра-тузилмавий мураккаблик ва манфатни мувозанатга солиш каби чақирқлар юзга чиқиши табиий. Ҳамкорликда муваффақиятга эришиш учун ҳар икки томондан пухта режалаштириш, дипломатик саяҳат олиб бориш талаб этилади.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон – Хитой ҳамкорлиги турли маданият, тил анъаналари халқаро муносабат ривожига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигининг жонли намунасидир.

**Абдуазиз ХИДИРОВ,**  
журналист.

### Ислохотлар самараси:

## ХАЛҚ ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИ ҲИС ЭТЯПТИ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари ва блогерлар Тошлоқ туманида тиббиёт соҳасидаги ислохотлар ҳамда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги амалий ишлар билан танишдилар.

Туманда амалга оширилаётган изчил ислохотлар натижасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги юксалиб бормоқда. Яқинда фойдаланишга топширилган 175 ўринга мўлжалланган, энг замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланган кўп тармоқли марказий шифохона фаолияти бунга мисол бўла олади.

22,6 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилган муассасада клиник даволаш бўлимлари ишга туширилди ва тумандаги 214 минг нафардан зиёд аҳолига сифатли хизмат кўрсатилмоқда. Қабул-диагностика, реанимация, туғуруқхона, хирургия ҳамда терапия бўлимларида беморлар учун барча қулайликлар яратилган. Таш-

хислаш учун рақамли рентген, замонавий УТТ, гастрофиброскоп, ЭКГ аппаратлари ўрнатилган. Журналистлар замонавий тиббий жиҳозлар ва улар ёрдамида даволанувчиларга кўрсатилаётган хизматлар билан батафсил танишдилар. Шунингдек, "ташаббусли бюджет" маблағи эвазига мукамал таъмирдан чиқарилган 54-оилавий поликлиникада бўлдилар.

"Қуйи Яккатут" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган бу оилавий поликлиника биноси 1989 йилда қурилган бўлиб, таъмирталаб аҳволда эди. 19 минг 304 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган муассаса тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, барча шароитларга эга



бўлди. Бунинг учун 1 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди. Яқин кунларда у аҳолига хизмат кўрсатишни бошлайди.

– Туманимизда соҳага, фуқаролар соғлиғини сақлашга жиддий эътибор қаратиляпти, муассасалар замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Тиббий хизмат кўрсатиш сифат жиҳатидан юксалиб, жаҳон андозалари

даражасига кўтарилмоқда. Энг мураккаб операциялар ҳам шунинг ўзида, малакали шифокорларимиз томонидан замонавий аппаратлар орқали ўтказилмоқда. Бу эса беморларнинг вақтини ва маблағини тежаш имкониятини яратиш билан бирга, уларда тиббиёт ходимларига миннатдорлик туйғуларини уйғотмоқда, – дейди Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси бош

шифокори Акмалжон Шерматов.

Оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашувда туман ҳокими ўринбосари Элмуродхон Мадаминов туманда тиббий хизмат ривожини, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига кўрсатилаётган ёрдамлар ҳамда уларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан маълумот берди. Маънавий-маърифий, ижтимоий соҳаларда юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ёшларга яратилаётган имконият ва шароитлар, тошлоқлик йигит-қизларнинг спорт соҳасида эришаётган муваффақиятлари ҳақида тўхталиб, буларнинг барчаси "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" шиори остидаги эзгу ишларнинг натижаси эканлигини таъкидлади.

Журналист ва блогерлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Абдужалил БОБОЖОНОВ.**

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ХАВФЛИ!

Агар инсон организмдаги бирор-бир хасталик вақтида даволанмаса ёки оддий йирингли яра олиб ташланмаса, у фурсати келиб бутун бошли организмни нобуд қилиши ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳам ён-атрофимизда кечаётган турфа жараёнлар, соғлиғимиз, ҳаётимиз ва келажагимиз билан боғлиқ ҳолатларга нисбатан бепарволик, гўёки вужудимизда яшаётган касалликка лоқайд муносабатда бўлиш билан баробардир.

Кундалик фаолиятимиз давомида кўпчилигимизнинг алоҳида муҳофазага олинган ҳудудлар, айтайлик, юқори босимли магистраль газ қувурларига кўзимиз тушиб туриши — бор гап. Кимдир бу ҳолга жиддийроқ эътибор қаратади, яна баъзилар бундай манзараларнинг олдидан шунчаки бепарво ўтиб кетишга одатланган. Ана шу каби турлича дунёқараш туфайли шундай ҳолатлар билан боғлиқ кўплаб кўнгилсизликлар юз бераётир десак, асло, муболаға бўлмайди.

Аслида алоҳида муҳофазага олинган, маълум бир доира шаклида ўраб олинган бундай ҳудудларда эслатма шаклида: "Эҳтиёт бўлинг, ҳаёт учун хавфли!" деган ёзувлар катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган бўлади. Лекин бу борада етарлича билим ва кўникма йўқлиги боис, айрим юртдошларимиз ўзи ва оиласи ҳаёти, йиллар мобайнида йиғилган маблағини хавф остига қўймоқдалар.

Юртимиз сарҳадлари бўйлаб у манзилдан бу манзилга томон тортилган магистраль газ қувурлари ҳамда хонадонларимизни файзга тўлдираётган табиий газ фақат иситиш манбаигина эмас. У давлатимиз учун муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқлардан бири ҳисобланади. Шу сабабли, шарт-шароитни инобатга олган ҳолда, юқори босимли газ қувурларини имкон қадар ер остидан тортишга ҳаракат қилинади. Аммо ҳамиша ҳам шундай усулдан фойдаланишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ер устидан олиб ўтилган магистраль газ қувурлари нафақат тегишли мутасадди идоралар, балки ҳар бир юртдошимиз томонидан кўз қорачиғидек асралиши лозим. Чунки озгина бепарволик ёки эътибор-

сизлик туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган муқаррар фалокатнинг кўлами ва миқёси жуда кенгайиб кетмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Афсуски, баъзи ҳамюртларимиз томонидан магистраль газ қувурларига ноқонуний равишда зиён етказиш ҳолатлари мавжуд. Шунини алоҳида инобатга олган ҳолда бошқармамиз томонидан бир неча бор огоҳлантирилишига қарамай, баъзи фуқаролар томонидан магистраль майдонда қурилиш ишлари олиб бориш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса магистраль газ қувурлари муҳофаза майдонининг бузилишига олиб келмоқда. Агар магистраль газ қувурида авария ҳолатлари юз берадиган бўлса, газ қувури муҳофаза майдонидаги фуқаролар ҳаётига ва уларнинг мулкига катта зиён етади. Шу билан бирга, магистраль газ қувури муҳофаза майдонидан тупроқ, шағал олиш, қудратли техникалар-

нинг ишлаши тақиқланади.

Магистраль газ қувурлари орқали табиий газни талафотларсиз, муҳофаза майдонини бузмаган ҳолда истеъмолчига тўхтовсиз етказиб бериш, асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини унутмайлик!

**М.МАМАШАРИПОВ,**  
Фарғона магистраль газ қувурлари  
бошқармаси бош муҳандиси.

**С.ЭСОНАЛИЕВ,**  
Хўжаобод ихтисослаштирилган прокуратураси прокурори ёрдамчиси, 2-даражали юрист.

**С.УМУРЗАҚОВ,**  
"Ўзэнергоинспекция" Фарғона вилоят бошқармаси бош мутахассиси.



ХУШЁРЛИК ҲАР КУНИ КЕРАК!

## "ЎЗТРАНСГАЗ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ФАРҒОНА МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ БОШҚАРМАСИ ОГОҲЛАНТИРАДИ!

### ҲАММА БИЛИШИ ШАРТ!

Хурматли ҳамюртлар! Жаннатмакон водийнинг Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари бўйлаб аҳоли, ишлаб чиқариш корхоналари ва барча турдаги хўжалик субъектларини табиий газ билан таъминловчи юқори босимли магистраль газ қувурлари ўтган. Бу ҳудудларда эксплуатация нормал шароитини таъминлаш ва қувурлар бузилишига (уларнинг ҳар қандай ўтказилишидан қатъи назар) йўл қўймаслик учун мунтазам равишда чора-тадбирлар амалга ошириб борилади. Айни жабҳада магистраль газ қувурлари ҳимоя қоидасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 69-моддасига асосан муҳофаза майдони ўрнатилган.

Бу ҳудуд:

- қувур трассаси бўйлаб хавфсизлик ер участкаси кўринишида қувур ўқининг ҳар томонидан 25 метр масофада ўтадиган шартли чизиқлар билан чегарланади;

- газдан конденсатни ажратиш ва сақлаш учун сифимлар атрофида нефть конденсат ва сиқилган углеводородларни авария ҳолатидан чиқариш учун ер омборида – кўрсатилган объектлар майдони чегарасида ҳар томонга 50 метрдан туташиб чизиқ билан чегараланган ер майдони кўринишида;

- кўп тармоқли трасса бўйлаб чекка қувур ўқининг ҳар томонидан 50 метр масофадан ўтган, шартли чизиқлар билан чегараланган ер майдони кўринишида;

- бошланғич ва ораликдаги ўтказиш ҳамда қуйиш насос станциялари атрофида резервуар парклар, компрессор ва газ тарқатувчи станциялар, сарф қилинган газни ўлчаш мосламалари объектлари чегараларида ҳар томонга 100 метр масофада шартли чизиқлар билан чегараланган ер майдони кўринишида бўлади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасига кирувчи ер майдонлари ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди. Аммо улар ишни "Магистраль газ қувурларини муҳофаза қилиш" қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, ердан қишлоқ хўжалиги ёки бошқа турдаги ишлар олиб боришда фойдаланишлари зарур. Шунингдек, қувурларнинг муҳофаза зонасида қишлоқ хўжалиги дала ишлари экиш ва йиғиш мавсуми бошланишидан аввал Фарғона магистраль газ қувурлари бошқармаси олдидан маълум қилинган ҳолда олиб борилиши керак.

### ЁДИНГИЗДА БЎЛСИН!

Қувурларнинг муҳофаза майдонида қувурлардан меъёрида фойдаланишга ҳалақит берувчи ёки ерга шикаст етказувчи ҳар қандай кўринишдаги хатти-ҳаракатлар тақиқланади.

Хусусан:

- қурилиш ва бунёдкорлик ишларини олиб бориш;

- дарахтлар ва буталар экиш, ем-хашак, ўғитлар ва қурилиш материалларини тахлаш, пичан, похол ва ўтинларни ғарам қилиш;

- мол-қўй ва парранда фермаларини ташкил этиш, балиқчилик ва сув ҳайвонлари парвариш қилишга ихтисослашган хўжаликларга ер майдони ажратиш;

- қувур трассаси устидан ўтиш ва кесиб ўтиш иншоотларини қуриш, трактор ва бошқа механизмларни сақлаш учун жойлар қуриш;

- кабель алоқаси хизмат кўрсатмайдиган товуш кучайтирувчи пунктлар қопқоқларини ва люкларини, катод ҳимояси станциясини ва назорат қилувчи ҳудудларни, бошқа тармоқ қурилмаларини, зулф ва жўмрақларини очиш ёки ёпиш, алоқа воситалари, қувур энергия таъминоти ва телемеханикасини ёқиш ва ўчириш;

- ер мелиорация ишларини амалга ошириш, суғориш ва қуриш тармоқларини ташкил этиш;

- геологик съёмкалар, геодезия ишлари ва қудуқлар, шурфларнинг тузилиши ва ер намуналарини олиш, ер ости сувлари дренажлари қуриш билан боғлиқ бўлган бошқа қидириш ишларини амалга ошириш;

- ахлатхоналар ташкил этиш, кислоталар, тузли ва ишқор эритмаларини тўкиш;

- олов ёқиш ва бирон-бир очиқ ёки ёпиқ ўт чиқиш манбаларини ҳамда шу кабиларни жойлаштириш;

- бозорлар, отчопарлар, спорт иншоотлари ёки кўп сонли одамларни тўплаш мумкин бўлган тузилмалар (мактаб, шифохона, клуб, болалар майдонлари) барпо этиш;

- шахсий автомашиналарни сақлаш жойлари, дала шийпонлари, дам олиш масканлари, спорт иншоотларини қуриш.

### БИЛГАН ФОЙДА, БИЛМАГАН ЗИЁН

Аҳоли яшаш пунктлари, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги корхоналари, иншоотлар, бинолар

(яшайдиган, яшамайдиган), қурилишларида магистраль газ қувурларидан иншоотгача минимал масофа белгиланади. У Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган "КМК 2.05.06-97 магистраль қувур ўтказгичлар" қурилиш меъёрларига мувофиқ тарзда тартибга солинади.

**Магистраль газ қувурининг диаметрига қараб муҳофаза майдони қуйидагича белгиланади:**

- Ду-300 мм ва кичикроқ – 100 м;**
- Ду-300 мм ва 600 мм гача – 150 м;**
- Ду-600 мм ва 800 мм гача – 200 м;**
- Ду-800 мм ва 1000 мм гача – 250 м.**

Унутманг, Фарғона магистраль газ қувурлари бошқармасининг руҳсатисиз магистраль газ қувурлари муҳофаза майдонида ер ишларини амалга ошириш қатъиян ман этилади. "Магистраль газ қувурларини муҳофаза қилиш қоидалари" талабларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 150-моддасига асосан жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Бу борада мансабдор шахс учун ҳам, оддий фуқаро учун ҳам қатъий жазо чораси мавжуд.

### ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

Албатта, мамлакатимизнинг табиий бойликлари шу юртнинг ҳар бир фуқароси ҳаётини тўқис ва бахтли бўлиши учун хизмат қилиши шўҳасиздир. Бу каби азиз ва қадрли неъматлардан оқилона фойдаланиш эса галдаги устувор вазифа эканлиги айни ҳақиқат.

Шу боис, ўзингиз яшаб турган ҳудуддан ўтган юқори босимли магистраль газ қувурларида бирор-бир носозлик юзага келса ёки ноқонуний хатти-ҳаракат содир этилаётганига гувоҳ бўлсангиз, бефарқ ўтиб кетмаслик, дарҳол тегишли мутасадди идораларга хабар бериш фуқаролик бурчингиздир. Аслида бу Сизда юртимизда амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотларга дахлдорлик туйғуси, жараёндаги бурч ва масъулият ҳисси нечоғли шаклланидан далолат беради.

**Бизнинг манзил: Фарғона шаҳар, Кимёгарлар кўчаси, 11-уй.**

**Телефон: (94) 390-90-92 (диспетчер), (73) 241-69-01 (қабулхона).**

**ФАРҒОНА МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ БОШҚАРМАСИ МАЪМУРИЯТИ.**



## Хуқуқий сабоқ

**Инсон умри давомида жамиятда ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланар экан, бу жараёнда унинг шахсий манфаатлари билан халқ манфаатлари тўқнаш келиши табиий ҳолат. Бундай вазиятда миллат келажигини, давлат ва жамият манфаатларини ҳамда виждонини ўзининг нафсидан, мол-дунёга бўлган ҳою ҳавасларидан, умуман, ўз манфаатларидан устун қўймай туриб, Ватан равнақиға ҳисса қўшиб бўлмайди. Бунинг учун инсонда юксак маънавият ва унинг негизда юксак ҳуқуқий маданият шаклланган бўлиши керак.**



## ЖАМИЯТ ТАНАСИДАГИ ЯРА

Бироқ, инсоннинг ана шундай олий мақсадларга бўлган интилишига тўсиқ бўлувчи ва унга хавф солувчи бир иллат борки, у "коррупция" деб аталади. Коррупция халқона тилда, содда қилиб айтганда, инсоннинг ўз нафси йўлида хизмат ёки мансаб мавқеидан фойдаланиб, моддий наф ёки номоддий манфаат кўришидир.

Мазкур иллатга қарши кескин курашмай туриб, давлат ва жамиятни ривожлантириш мумкин эмаслигини кундалик ҳаётнинг ўзи исботлаб берди. Шу боисдан, 2017 йил 3 январда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади ҳам коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги му-

носабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Коррупция, одатда, мансабдор шахслар томонидан улarga берилган мансаб ваколатлари ва ҳуқуқларидан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб, қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишларини англатади.

Қонунда коррупция тушунчасига шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан фойдаланиб, ўзининг шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий манфаат олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир, дея таъриф берилган.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши билан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Унга кўра, жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, коррупцияга қарши мurosасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, улarga чек қўйиш, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашдан иборатдир.

Шунга кўра, коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини амалга оширувчи давлат органлари билан унда иштирок этувчи органлар ҳамда ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика Идораларо комиссияси ташкил этилди.

Коррупция йиллар давомида барча соҳаларни қамраб олгани, бир сўз билан айтганда, жамият танасидаги ярага айланиб улгургани ҳеч кимга сир эмас.

Рухий тарбия омиллари ҳар қандай иллатга, жумладан, коррупцияга қарши курашда муҳим фактор ҳисобланади. Зеро, ҳар қандай иллатга қарши курашишни инсон, аввало, ўзидан бошламоғи лозим.

Одил судловни амалга ошириш соҳасида фаолият олиб борувчи судья ва суд ходимларининг ҳам коррупцияга оид жинойтларни содир этишлари ачинарли ҳол, албатта. Судлар адолат кўрғонига айланиши шарт қилиб қўйилган экан, тизимда бу иллатга барҳам бериш керак. Шу ўринда, Президентимизнинг "Судьянинг дилида поклик, тилида ҳақиқат, онгида адолат бўлиши керак" дея айтган сўзлари ҳар бир судьянинг амалий фаолиятидаги дастуриламал бўлиши шартлигини келтириб ўтиш жоиз.

Қайсики, судья ўз хизмат вазифасини бажариш чоғида дили пок бўлиб, тили ҳақиқатан ўзга нарсани сўзламаса, онгида ўз нафсини, ўз манфаатини давлат ва жамият, халқ манфаатидан устун қўйишни ўйламаса, у чинакам адолатни юзага чиқарган бўлади.

Суд ишларини юритишда шаффофликни таъминлаш, миллий электрон суд тизимининг жорий этилиши адолатни таъминлаш мезонларидан ҳисобланади. Адолат – ҳукмрон, қонун – устувор бўлган мамлакат барқарордир. Адолат ҳар нарсадан устун бўлган теурийлар давлатининг кудрати дунёни ларзага келтирганига тарих гувоҳлик беради.

Шундай экан, коррупция мавжуд бўлган ҳар қандай давлат бошқарувида, ҳар қандай жамият ҳаётида ривожланиш тараққиёт бўлмаслиги аниқ. Зеро, коррупция – миллатнинг заволи дейилиши бежизга эмас.

**И.КУЗИБАЕВ,**  
**Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманларо суди раиси ўринбосари.**  
**М.ҚОДИРАЛИЕВ,**  
**Фарғона шаҳар адлия бўлими бошлиғи.**

## ҲОЛВА — ҚЎҚОН БРЕНДИ

**Азалдан машҳур қандолатчилар юрти Қўқон шаҳрида яшовчи Хуршидjon Тўрабоев ҳолвачилар авлодидан.**

Унга ширапазлик онамерос касб. Ойтожixon ая уйида турли хилдаги қандолатчилик маҳсулотларини пишириб сотар эди. Меҳр билан тайёрланган ширинликлар орасида, айниқса, ҳолва жуда харидоргир бўлиб, бу маҳсулот камдан-кам ҳолларда бозорга олиб чиқилган.

— Эрта тонгдан уйимиздан ҳолвасеварларнинг қадами узилмасди, — дейди Хуршидjon ака болалик хотираларини эслаб. — Оилада тўнғич фарзанд бўлганим боис, онамнинг хунарини аввал ўзим давом эттира бошладим. Кейин укам Абдулвоҳид ёнимга кирди. Онам касби ортидан яши даромад топгани, элда обрў қозонганини билардик. Қолаверса, хунарли киши хор бўлмаслигига ҳаётини мисоллар талайгина. Шу боис, укам иккимиз бошлаган йўлимиздан асло қайтмадик.

Ҳа, астойдил бел боғлаб қилинган меҳнат, ўзининг тотли мевасини бериши тайин. Бугунга келиб, Тўрабоевлар оиласи ширинликлари «Тотли ҳолва» ёрлиғи остида дунё юзини кўрмоқда. Харидорлар орасида Узок Шарқдан тортиб, араб мамлакатлари фуқароларигача бор.



Дарвоқе, ҳолва пишириш осон эмас. У асосан қўл меҳнатини талаб қилади. Қуюлтирилган сут, шакар, сув, сариеғ — бу тўрт унсурдан мазаси оғизда эрийдиган ҳолва тайёрлаш ҳар кимнинг иши эмас. Шу боисдан

бўлса керак, Хуршидjon аканинг ҳолваси пишиб, маромига етмасидан харидори аниқ бўлади.

— Оиламиз билан ҳолвани севиб истеъмол қиламиз. Унинг шираси меъёрда бўлиши, қолаверса, юмшоқлиги ёшу қарига бирдек манзур. Қўқонда ҳолва дастурхон кўрки саналади. Тўй ва маросимларни усиз тасаввур қилиш қийин, — дейди харидорлардан бири Салимахон Усмонова.

Хуршидjon аканинг фарзанди, сулоланинг учинчи авлоди Абдуллоҳ-

нинг айтишича, pista, бодом, ёнғоқ, майиз — буларнинг турган-битгани фойда. Улар ҳолвага солинади. Маргарин ўрнига сариеғ аралаштирилади. Бу "Тотли ҳолва"нинг ўзига хос сири. Улар доимо "Ҳалоллик фойддан устун" деган нақлга амал қилишади.

Яқинда бўлиб ўтган Халқаро хунармандчилик фестивали кунларида Абдуллоҳ ўзининг савдо шохобчасини очди. Дунё хунармандлари ёш ширапаз маҳсулотига қойил қолишди.

— Ҳозирда 50 хилга яқин ҳолва тайёрлаймиз. Бир килограммининг нархи 70 мингдан 150 минг сўмгача. Цехимизда ўттиз нафарга яқин ишчи бор. Очиғи, баъзан харидорлар эҳтиёжини қондиrolмаймиз, — дейди Хуршидjon ака.

Унинг сўзларига қараганда, яқинда ажойиб воқеа содир бўлди. "Тотли ҳолва"ни асосан Тошкент, Самарқанд томонларга кўплаб олиб кетишади. Шунинг учун Хуршид акада ўша ҳудудларда цех очиш нияти туғилди. Шу ишни бажарди. Маҳсулотлар ўша-ўша-ю, аммо таъми Қўқон ҳолвасига ўхшамади.

Шу онда ширапаз ёдига Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг она юрти Андижон қовунини қўмсаб, Ҳиндистонда уруғини эккани, аммо унинг таъми она тупроғида пишиб етилган қовунга ўхшамагани ёдига тушган бўлса ажабмас.

**Муаттар МАҲМУДОВА.**

## Жума сабоқлари

**Фарғона вилояти бош имом-хатиби  
Убайдулло ҳожи Абдуллаев таҳрири  
остида**

# ИСЛОМ – ИЛМ ДИНИ

**Ойбек АҲМАДЖОНОВ,  
Фарғона шаҳар “Янгичек” масжиди  
имом-ноиб**



**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.**

**Аллоҳ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар, Пайғамбаримизга мукамал ва батамом салавоту дурудлар бўлсин.**

Ислому – илм дини эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Исломи ўрганиш учун ҳам билим олиш лозим. Барча ислоний илмлар шу мақсадга хизмат қилади. Ҳар бир мамлакатнинг, жамиятнинг тараққиёти у ерда илму фаннинг нақадар ривож топгани билан узвий боғлиқдир. Илмга ва уни ўрганишга қаратилаётган эътибор ўша давлатнинг эртанги кунини белгилаб беради.

Илм – ақл нуридир. У инсонларни борлиқни ҳис этиш, воқеликни идрок этиш, маънавий ва моддий оламни англашга, тафаккурини шакллантиришга ундайди. Илм яшаш чирогидир. У инсонларга бахт келтиради, ёруғликка чорлайди, жаҳолатдан йироқлаштиради. Зиёли инсонлар жамиятнинг етакчилари ҳисобланади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Илм талаб қилиш ҳар бир муслим учун фарзидир”, дея марҳамат қилганлар. Демакки, бешикдан то қабргача илм эгаллашга интилиш мўмин кишининг ҳаёт тарзи бўлиши керак.

Аллоҳ таоло ўзининг охириги ва мукамал дини бўлган Исломининг “Ўқи!” деган илоҳий хитоби ила бошланган ва шу маънони англатадиган муқаддас китоби – Қуръоннинг дастлабки оятларини нозил қилди. Ана ўша лаҳзадан бошлаб, Қуръон уммати – ўқиш, илм-маърифат уммати ўлароқ шакллана бошлади. Ана ўша лаҳзадан бошлаб, илм талаб қилиш ҳар бир эркак ва аёлга фарз бўлган умдат фаолият кўрсата бошлади.

Ислому мусулмонларга тараққиёт йўлида юришни фарз қилган ва кишиларни илмга ундаган. Чунки

инсон шахсиятини илмдан бошқа нарса тўғри йўлга сола олмайди ва тараққиётга ҳам эриштира олмайди. Илмга қизиқтириш борасида Аллоҳ Қуръони Каримнинг “Зумар” сурасида шундай дейди:

**“Сен: “Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?!” – деб айт. Албатта, ақл эгаларигина эсларлар”. (9-оят).**

“Мужодада” сурасидаги оятда эса илмли кишилар Аллоҳнинг ҳузурда бошқалардан кўра юқори даражада туришлари очиқ-ойдин айтилган:

**“Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларнинг ва илмга берилганларнинг даражаларини кўтарур”. (11-оят).**

Аллоҳ “Оли Имрон” сурасидаги оятда ўзининг ягоналигига ҳам илмли кишиларни гувоҳ қилган:

**“Аллоҳ адолат ила туриб, албатта, Ундан ўзга илоҳ йўқлигига шоҳидлик берди. Фаришталар ва илм эгалари ҳам. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У азиз ва ҳакийм Зотдир”. (18-оят).**

Мазкур оятда Аллоҳ илмли кишиларнинг шоҳидлигини фаришталарнинг шоҳидлиги билан тенглаштирган. Бу эса, илмли кишиларнинг ҳурмати Аллоҳнинг ҳузурда нақадар юқори эканини кўрсатади.

Қуръони Карим илмнинг чегараси йўқ эканлигини ҳам баён қилиб ўтган. Бу ҳақда Юсуф сурасида айтилади:

**“Ҳар бир илм эгаси устидан билувчи бор”. (76-оят).**

Оятнинг маъноси: олимлар ўз илмлари билан мағрурланиб, ўз устида ишлашни тарк этмасинлар, доимо уларни ҳам биров танқид қилиб қолишига ўзларини тайёрлаб турсинлар, демакдир. Қуръон мусулмонларни барча нарсанинг ҳақиқатини билиш учун доимо илм пайида бўлишга чақиради. Муқаддас китоб мусулмонларни илмга чақириш билан

бирга, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам уларни доимо илмга тарғиб қилганлар. У зот умматларини илмга чақирувчи, тарғиб қилувчи кўплаб ҳадиси шарифларни айтганлар.

Муборак ҳадисларнинг бирида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзи илмни ўрганган ва ўзгаларга ҳам ўргатган кишини – ўзига сувни сингдириб, сўнгра кўплаб ўт-ўланларни ўстирган ерга ўхшатганлар. Илмга эътибор бермаган кишини эса – мўл ёмғир ёғса-да, на сув тўпламайдиган, на экин ўстирмайдиган текисликка қиёслаганлар.

Таъкидлаш керакки, тарихда ҳам илмсизлик оқибатида юзага келаётган барча муносабатлар низолаарга айланиб, жамиятнинг тараққиётига раҳна солган. Илмли инсонлар яшайдиган, истиқомат қиладиган, фаолият юритадиган маконлар чароғон ҳисобланса, маърифатсизлар макони, уларнинг истиқомат манзили зимистондир.

Оила қуриш учун ҳам илм ўрганиш лозим. Илмсизлик жамият тараққиётининг қушандасига айланиб, бунинг оқибатида оилалар бузилмоқда, ака-укалар бегоналашиб кетмоқда, қариндошлик, дўстлик-биродарлик ришталари узилмоқда.

Эътибор берсак, дунёда содир бўлаётган кўплаб разолат, уруш ва низолаарга билимсизлик, жоҳиллик сабаб бўлмоқда. Ўзларини билимдон сановчи айрим чаласавод кимсаларнинг ҳаракатлари аянчли оқибатлар келтириб чиқармоқда. Дин никоби остида пуч ғояларини ёшлар онгига зўр бериб сингирмоқчи бўлаётган, муборак Ислому динига мутлақо ёт ғояларни тарғиб этаётган кучларнинг сохта қақирқларига ишониб қолмаслик учун ҳам илм керак. Илмли киши ҳақ ва ботилнинг фарқига боради, ахборотлар оқимидан ўзи учун фойдалисини ола билади. Қолаверса, илмсизликка қарши курашади.



## Хотира

# УСТОЗ ИБРАТЛИ ИНСОН ЭДИ

**Маҳмуджон Мирзажоновнинг ўқувчилик йилларидаёқ математика ва физика фанларига меҳри бўлакча бўлган. Билимга чанқоқлик уни Фарғона давлат педагогика институтига етаклаб келди. Мутахассислик дипломини олгач, шу олийгоҳда иш бошлади.**



Устознинг педагогик-илмий меҳнат фаолияти, ноёб истеъдоди ва интеллектуал салоҳиятининг камол топиш даври ўтган асрнинг 70-80-йилларига тўғри келди. Унинг илмий ишлари асосан Украина Фанлар академиясининг “Ярим ўтказгичлар физикаси” илмий текшириш институти билан боғлиқ. Бу муассасада таниқли олим, физика-математика фанлари доктори, академик Михаил Шейнман раҳбарлигида “Ярим ўтказгичли қуёш элементларининг эскириш ва деградация механизmlарини тадқиқ этиш” мавзусида илмий изланишлар олиб борди.

Маҳмуджон Мирзажонов томонидан яратилган қуёш элементлари Украинанинг Мироновка шаҳридаги буғдойчилик илмий текшириш институтида экиннинг серхосил навларини етиштиришда ёруғликни назорат қилувчи датчиклар сифатида муваффақиятли қўлланилди, 1983 йили ихтирочилик гувоҳномасини олди.

- 1986 йилда олим “Cu2-xS – CdS қуёш элементларининг эскириш ва деградация механизmlарини тадқиқ этиш” мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ёқлаб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Маҳмуджон Аҳмедович 1996 йилга қадар Фарғона давлат университетига талабаларга сабоқ берди. Сўнгра вилоят божхона бошқармаси қошида

ташкил этилган Фарғона минтақавий ўқув курсини бошқарди, бошқармада раҳбарлик лавозимларида хизмат қилди.

Устоз 2016 йилда пенсияга чиққач, Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиалининг “Табиий фанлар” кафедрасида меҳнат фаолиятини давом эттирди. Унинг илмий изланишлари асосида яратилган қатор ўқув қўлланмаларидан шогирдлари ва талабалар билимларини бойитишда фойдаланиб келишмоқда.

Маҳмуджон Мирзажоновнинг катта ижобий натижаларга эришишида турмуш ўртоғи Зулхумор ҳожи онанинг хизматлари бекиёс. Улар 5 нафар фарзандни воёга етказдилар.

Устоз жорий йилги ҳаж амалларини бажариш кунларида вафот этдилар. Илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган олимнинг ҳамкасблари, шогирдлари ва талабалар унинг нақадар бағрикенг, фидойи инсон бўлганлигини фахр билан эслашади. Унинг мазмунли ҳаёти ва илм йўлидаги машаққатли хизматлари биз учун ибратдир.

**Д.ТЎХТАСИНОВ,  
Ж.АБДУЛЛАЕВ,  
Тошкент Ахборот технологиялари университети Фарғона филиали доцентлари.**

## МЧЖ “Uz-Hanwoo Engineering” ҚК ижроия органи раҳбар лавозимига танлов ўтказди

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда МЧЖ “Uz-Hanwoo Engineering” ҚК таъсисчиларининг 2023 йил 17 ноябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишининг баёни билан тасдиқланган МЧЖ “Uz-Hanwoo Engineering” қўшма корхонаси ижроия органининг раҳбарлик лавозимларига танлов ўтказиш ва номзодларни саралаш тартиби тўғрисидаги Низомига асосан танлов ўтказилади!

Танловда иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам-

да чет эл давлатлари фуқаролари таклиф қилинади.

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлиш;
  - мос соҳада, камида беш йил иш стажига эга бўлиш;
  - ўттиз беш ёшдан олтамиш ёшгача;
  - раҳбарлик лавозимида камида икки йил иш тажрибасига эга бўлиш;
  - қонунчилик, машинасозлик тизимидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва халқаро талабларни билиш.
- Жамиятнинг жорий фаолиятини ўз ваколатлари доирасида бошқариш, унинг самарали ва барқарор ишлашини

таъминлаш, жамиятнинг барча таркибий бўлинмалари ва унинг ходимларининг ишини ва самарали ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган, аммо жамиятнинг бизнес-режа параметрларидан паст бўлмаган миқдорда фойда олишни таъминлаш, жамиятнинг бизнес-режалари ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишни бошқариш, уларнинг бажарилишини ташкил этиш ва назорат қилишни билиши ҳамда судланмаган бўлиши шарт.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиш зарур:

- ўз қўли билан ёзилган ариза;
- таржимаи ҳол (батафсил кўрсатилсин);
- касбий маълумотни, иш стаж ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар, сертификатлар;
- меҳнат дафтарчаси нусхаси;
- алоқа учун маълумотлар;

- фотосурат 3x4 ҳажмда – 4 дона.

Танловга ҳужжатларни топширишнинг охириги муддати – эълон берилган сандан бошлаб 14 кун ичида.

Танлов ўтказиш муддати – танлов таклифлари ва ҳужжатлари олингандан кейин 5 иш куни давомида ўтказилади.

Танлов таклифлари ва ҳужжатлар муҳрланган конвертларда ва конвертнинг устки қисмида танловда иштирок этувчи номзоднинг танловда иштирок этиш учун аризаси илова қилинган ҳолда тақдим қилинади.

**Ҳужжатлар қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 150100, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 245/1-уй. Маълумотлар учун алоқалар телефони: +998 33 672 11 10.**

**E-mail: info@uzhweng.uz.**  
Белгиланган муддатлардан кейин юборилган таклифлар танловда иштирок этмайди.



## ФАРҒОНАДА ТУТ КЎЧАТЛАРИНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ КЎПАЙТИРИЛМОҚДА

Борлиқ Яратган мўъжизаларнинг бири – ипак қурти ва унинг кароматларидир. Кўз илғамас уруғдан чиққан курт тут баргига тўйғач, сўлаклари ипак толасига айланади ва у ўзига “хўкм ўқиб” қолдираётган пилласи ичида нобуд бўлади.

Пилладан йигирилган ипак эса шоҳона гиламлару, атлас, бахмалларга, сўзана-ю, дўппимиз “қалампири”га айланади. Аммо унғача...

Ипак қурти соғлом танадан униб чиққан майин тут баргидан озикланади. Фарғона вилоятининг ўзидагина 4 минг гектарга яқин тут плантациялари бор. “Йўл ёки дала четига экилган тут барги бўлса етади-да”, деганлар адашади. Ипак қурти учун соғлом, тўйимли, майин барг етиштириш санъат асари яратишда гап.

Тутзордаги бу баҳайбат дарахт чинор эмас. У наслдор оталик зотли тут. Унинг ўзи мева бермайди, балки она тутларни чанглатиб мева берадиган қилади. Оталик тутларни дуч келган жойга эксангиз, адашасиз. Одатда уларни ҳудуддаги шамолнинг йўналишига қараб, бош томонга экилади. Гуллаган чоғи шамол унинг чанги – уруғлигини она тут гулларига етказди. Шунда улар фарқ мевага кирди.

Оталик тут эса япроқ тўқади холос.

Бу плантацияда уруғлик етиштирилади. Яъни, тут меваси истеъмол қилинмайди. Мева қуритилиб, ундан тут дарахти уруғи ажратиб олинади.

Уруғлар янги плантацияларга экилиб, парваришланади, дориланади, ўғитланади, ернинг тобига қараб сўғорилади... Бир-икки ёшга етгандан сўнггина, улар кўчирилиб, янги тутзорларга, дала-йўл четларига экилади. Шундан кейингина бу кўчатлар пилла қурти учун барг бера бошлайди.

– 2017 йилда биз 500 минггача кўчат етиштирганмиз. Ҳозир плантацияларда 25 миллион кўчат бор, – дейди агроном-селекциячи Камолиддин Саидов. – “Жарқўрғон”, “Пионер-5”, “Якубасан” деган Япония ва Хитой тут навлари олиб келиб, кўпайтирилмоқда.

Шу кунларда “Яшил макон” умумхалқ лойиҳаси доирасида “Фарғона вилоят агропилла” МЧЖ етиштирган ўн минглаб янги, серҳосил навли тут кўчатлари кўчирилиб, жойларга олиб кетилмоқда.

– Бошқа вилоятлардаги тутчилик хўжаликлари учун ҳам кўчат етказиб беряпмиз. Улар, ўз навбатида, уни кўпайтириб,

ҳудудларга тарқатади. Ҳозирги кўчат навлари серҳосил, барг бериши кўпайди, 25 килограммгача боради, – дейди Камолиддин Саидов.

2023 йилда Фарғона вилоятида 2400 тонна юқори навли пилла етиштирилди. Ҳолбуки, бу 5 йил аввалгидан 25-30 фоиз кўп. Лекин бу ҳам марра эмас. Вилоятда тут плантациялари майдони кескин ўсиши, озуқа муаммоси ҳал этилгани, қурт уруғи заводлари қуввати ошгани туфайли яқин йилларда 3 минг тонналик хирмон яратиш имкони бор.

– Иккита уруғчилик заводимиз бор. Наслчилик заводиди янги дурагай зотлар яратиб берилади, – дейди “Фарғона вилоят агропилла” МЧЖ бош агрономи Фаррухбек Мамадалиев. – Вилоятимизда ипак қурти импортига 2017 йилда чек қўйилган. 2023 йилда ипак қурти боқиш орқали 101 минг нафар аҳолини иш билан таъминлади.

Фарғонада ишлаб чиқарилган ипакка хорижда эҳтиёж ўсди. Бу, аввало, ипак сифати билан боғлиқ эди.

– Етиштирилган 2400 тонна ҳосил 5 та пиллачилик кластерларида қайта ишланяпти. Ипак Тожикистон, Хитой, Бирлаш-

ган Араб Амирликларига экспорт қилинмоқда, – дейди Фаррухбек Мамадалиев.

Ҳозир вилоятдаги пиллачилик кластерлари замонавий технологияга асосланган корхоналар қурмоқда ёки мавжудларини реконструкция қилапти.

– 2023 йилда корхонамизга Хитой Халқ Республикасидан сўнги русумдаги пилла йигириш дастгоҳларини келтириб ўрнатдик, – дейди “Нурли тонг SILK” МЧЖ иш бошқарувчиси Маҳмуджон Маҳмудов. – Натижада маҳсулотимиз сифати ошди ва жаҳон бозоридан муносиб ўрин топди. Бундан ташқари, қўшимча 80 та иш ўрни яратдик.

“Нурли тонг SILK” МЧЖ асосидаги кластернинг ўзи 2023 йилда 1200 тонна пилла етиштириб, уни тўлиғича ўз корхонасида қайта ишламоқда.

Яна тутзорларга қайтсак. Вилоятда аҳолига тут кўчатлари етиштириш учун 20 сотихдан 50 сотихгача ер берилляпти. Фарғона вилояти тут кўчатларининг янги навларини кўпайтириш марказига айланмоқда.

**Муҳаммаджон ОБИДОВ.**

**Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.**

## Шифобахш неъмат

### ТУРГАН-БИТГАНИ

Ўлкамизда куз фасли серҳосиятли неъматларини дастурхонга тортиқ этган палла ҳисобланади. Ана шулардан бири — “олтин ёмби” каби етилган ошқовоқдир.

Ошқовоқ ҳам неъмат, ҳам шифодир. Ундан халқ табобатида йўтал, кўкрак ва томоқ оғриқларида фойдаланиб келинмоқда. Бинобарин, меваси қанд, пектин, калий, кальций, магний тузлари, телсир, С, В1, В2 РР сингари дармон-дорилар ва провитамин А каби моддаларни сақлайди. Уруғида эса 50 фоиз ёғ, фитостеринлар, органик кислоталар, қатрон бор. Шу моддалар жо бўлганлиги учун ошқовоқ бир қатор хасталикларга шифодир.

Шифобахш неъмат ошқозон-ичак йўли, йўғон ичак яллиғланишига даво бўлади. Мевасидан олинган шира ангинани даволашда наф келтиради. Таркибидаги пектин

моддасида аъзои танадан холестеринни чиқариб юбориш хусусияти борлиги учун ошқовоқ парижонхотирликда жуда фойдали, яъни унинг олдини олади. Унинг эти ичакнинг иш фаолиятини яхшилайдди ва ич қотишига қарши қўлланилади.

Ошқовоқнинг калорияси паст, шу боис, таомда ишлатилса, семизликка малҳам. У юрак ва қон томирлари хасталиклариди, камқонликда, пешоб ҳайдовчи, экзема каби касалликлар ва тери куйганда ҳам қўлланилади.

Халқ табобатида буйрак ва жигар хасталанганда ишлатилади. Тинчлантирувчи омил сифатида уйқусизликда, безовта бўлганда, кечасига ошқовоқнинг қайнатмаси асал билан бирга стаканнинг учдан бир қисмида ичиш тавсия этилади. Буюк аллома Абу Али ибн Сино ошқовоқдан олинган шира тиш оғриғини қолдириш, асал

## МАЛҲАМ

билан қайнатилгани эса ични юмшатиши ва чанқов қондиришини башорат этган.

Шарбати тери яллиғланишига суртилади, унинг “гўшти” қисми темирраткига наф беради. Пўстлоғи қайнатмаси тери хасталигига даво. Нўхат ва мош билан аралашган шўрваси йўталда малҳамдир. Уни қўрга кўмиб пишириб, қўл ва оёқларнинг оғриқ жойларига қўйилса, фойда қилади.

Мевасининг “гўшти”ни сувда пишириб тайёрлангани сариқ, қовуқ истиқсо касалликлариди тавсия этилади. Шираси, айниқса, қизил гул ёғи билан қўшиб ишлатилганда, қулоқ оғриғини босади, мия шишларида, томоқ оғриқларида наф беради.

Ошқовоқ сафроси ва қони ошиб кетган иссиқ мижозли кишилар учун нафлидир. Совуқ мижозли кишилар уни саримсоқпиез, хантал (горчица), қалампир, туз билан



истеъмол қилиши мумкин. Ундан тайёрланган мураббо мияни пешлайди, яхши қоннинг таркиб топишига омилкорлик қилади, дардларни қувади, аъзоларга осон сингийди. “Гўшти” қисмини куйдириб, ўсимлик ёғи билан аралаштириб, битиши қийин яраларга малҳам қилинади.

Ошқовоқ уруғ мағизларидан тайёрланган «сут» билан қовоқ шарбати буйрак оғриғини қолдириб, қовуқ оғриғи ва қовуқнинг яллиғланиши (цистит)га даво бўлади. Уруғидан гижжага қарши дори тайёрланади, ҳатто уруғининг кўкиш қобиғи ҳам

шифодир.

Ошқовоқни “олтин ёмби” деб бежиз айтмадик. Бу неъмат ҳақидаги мақолани ўқиб, мабодо у тушингизга кирса, нима бўларкин?! Ибн Сирийн таъбири билан айтганда, ҳар ким тушида кўрсаки, уйда қовоқ пояси бўлса, иззат-хурмати зиёда бўлмай, бемор бўлса, шифо топмай. Агар мусофир бўлса, ватанига саломат қайтмай. Агар фосиқ бўлса, тавба қилмай. Агар ошқовоқни пишириб еса, ҳожати равон бўлиб, тоат-ибодатга мойил бўлмай.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**  
**доришунос.**

МУАССИС:  
«Farg'ona haqiqati» va  
«Ferganskaya pravda»  
gazetalari tahririyati

Бош мухаррир:  
Рустам ОРИПОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета «Полиграф-пресс» МЧЖ босмаҳонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 1941 нусхада чоп этилди. Буюртма № 715. Босмаҳона манзили: Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, Тўрқистон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:  
150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур  
кўчаси, 28-уй.

Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.  
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Илҳомжон Жуманов.  
Босишга топшириш вақти: 18.00.  
Топширилди: 16.30.

